


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ



ЎУҚУҚИНГИЗ БОР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУЛАГАНОВА ГУЛЧЕХРА ЗАҲИТОВНА  
ТАДЖИБАЕВА АЛБИНА ЮЛДАШБАЕВНА  
МАМАНОВ САРДОР СОБИР ЎҒЛИ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 343.37(041)(575.1)

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Г.З.Тўлаганова, А.Ю.Таджибаева, С.С.Маманов.  
Коррупцияга қарши курашиш  
ҳуқуқингиз бор. Рисола. –  
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 23 б.

**Такризчилар:** **Т. Хасанов** – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани жиноят ишлари бўйича судининг судьяси, юридик фанлар номзоди;  
**М. Ҳазалиев** – Тошкент давлат юридик университети “Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш” кафедраси профессори в.б., юридик фанлар доктори.

Ушбу рисолани тайёрлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар расмий маълумотларидан, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш мавзусига бағишланган илмий ва бошқа турдаги маълумотлардан фойдаланилди.

© Тўлаганова Г.З., Таджибаева А.Ю., Маманов С.С.  
© Тошкент давлат юридик университети, 2021.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	4
1. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш.....	6
2. Коррупция иштирокчилари кимлар?.....	8
3. Коррупция шунчалик хавфлими?.....	11
4. Коррупциянинг нимаси ёмон?.....	11
5. Коррупция ва жиноий жавобгарлик .....	12
6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун қандай жазо белгиланган?.....	15
7. Фуқаролар учун эслатма.....	15
8. Агар Сиз коррупция ҳақида мурожаат қилмоқчи бўлсангиз кейинги ҳаракатларингиз.....	16
9. Қаерга мурожаат қилиш керак?.....	18
10. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат матни намунаси.....	20
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	21

## КИРИШ

Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, ривожланиши учун шароит яратиб беради.

БМТ Бош котиби А. Гуттериш 2019 йил 9 декабрь – “Коррупцияга қарши курашиш кунини” муносабати билан ўтказилган тадбир давомида жаҳон ҳамжамиятида ҳар йили **1 триллион** АҚШ доллар ҳажмида пора бериш ва олиш жиноятлари содир бўлиши ҳамда дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупция туфайли **2,6 триллион** АҚШ долларидадан ортиқ маблағдан айрилиб, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **5 фоизини** ташкил этишини маълум қилган эди.

Бу каби аниқ рақамлар шуни кўрсатадики, халқаро иқтисодиётга коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши оқибатида етказилаётган зарарнинг тобора ортиб бораётганлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасининг ҳар жиҳатдан янада кенгрок тадқиқ этилиши, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Бу борада давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор қонун, Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Маҳаллий экспертлар ва халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидек, бундай чоралар қисқа муддатда ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, “Transparency

International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2019 йил бўйича эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингда Ўзбекистон 5 ўрин юқорига кўтарилиб, 158-ўридан (2018 й.) 153-ўринни (2019 й.) эгаллади, шунингдек, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – “The Economist” журнали томонидан Ўзбекистон 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этилди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро доираларда эришилаётган бу каби ютуқлар, албатта, амалга оширилаётган тизимли чораларнинг натижаси ҳисобланади.

Шу ўринда, соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, аммо давлат ва хусусий секторда ҳали ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сезиларли ўрин эгалламоқда.

Агарда статистик рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2017–2019 йиллар давомида **6,127 нафар** мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган. Бунда мансабдор шахсларнинг коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2017 йилда **142,662 млрд сўм**, 2018 йилда **559,174 млрд сўм**, 2019 йилда эса **1,853 трлн сўм** миқдорида моддий зарар етказилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳали ҳам сезиларли даражада учраётгани ва келтирилаётган зарарнинг тобора ортаётганлиги мавжуд статистик рақамлардан ўз тасдиғини топмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 11 февралда коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда ушбу соҳада жамоатчилик назорати тизимини жорий этиш, тизимли равишда аҳолининг коррупцияга қарши курашишга оид ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш вазифалари белгиланди.

# 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ



## Коррупция бу...

Коррупция (лотинча “corruptere” – бузилиш, айниш, таназзул) ўз мансаб мавқеидан фойдаланиб, манфаат кўришдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси:

**Коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши ҳамда бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишига айтилади.



## Коррупцияга оид тушунчалар:

**Коррупциявий жиноятлар** – бу мансабдор шахс ёки хизматчининг мансаб мавқеидан шахсий ёки бошқа шахсларнинг моддий ва номоддий наф кўриши учун ғаразли мақсадларда фойдаланиши, шунингдек, мансабдор шахсларни ушбу мақсадларда ўзига оғдиришдан иборат бўлган жиноятлар.

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

**Манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**Порахўрлик** – пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш.

**Пора олиш** – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши.

**Пора бериш** – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш.

**Пора олиш-беришда воситачилик қилиш** – пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият,



шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш.

**Пора эвазига оғдириб олиш** – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш.

**Жамоатчилик назоратининг шакллари** – давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органлари очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

## 2. КОРРУПЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ КИМЛАР?

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг кенг тарқалган турларидан бири бу, сўзсиз, **порахўрликдир**.

Демак, порахўрлик жиноятларида жиноят жараёни иштирокчилари сифатида, бир тарафдан – **пора олувчи**, иккинчи тарафдан эса – **пора берувчи** доимий иштирок этиши талаб қилинади.

Шунингдек, айрим ҳолларда ушбу жиноий ҳаракатларда **пора олиш-беришда воситачилик қиладиган шахс** иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилади.



Мана шу уч турдаги шахсларнинг ҳаракатлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг иштирокчилари сифатида баҳоланади ва жавобгарликни келтириб чиқаради.



### Пора олувчи ким?

Пора олувчи, одатда, мансабдор шахс бўлади ҳамда у қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

**мансабдор шахс** – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ҳамда юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган, шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**ҳокимият вакили** – давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

**хизматчи** – давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотида меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.



### Пора берувчи ким?

Мансабдор шахсга ўзи ёки бошқа бир шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига

қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ўзи ёки воситачи орқали моддий қимматликлар берувчи ёки мулкый манфаатдор этувчи жисмоний шахс.

**Жисмоний шахс** деганда, 16 ёшга тўлган ақли расо Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тушунилади.

**Воситачи** – пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият билан шуғулланган, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита берган шахс.



### **Порахўрликда яқин қариндошлар ишгиروي**

Пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш учун иштирок этган қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари назарда тутилади.



### **Пора сифатида нималар тақдим этилади ёхуд пора предмети нима бўлиши мумкин?**

Пул;

қимматбаҳо совғалар;

моддий бойликлар;

пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкый моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин.

### **Порахўрлик жинояти қачон содир этилган ҳисобланади?**

Пора ҳаракат содир қилингандан олдин ёки кейин берилишига боғлиқ бўлмасдан, пора олдиндан келишилганлиги, пора олувчининг манфаати учун бирон-бир

ҳаракат бажарилган бўлишидан қатъи назар, пора предметининг бир қисми олинган ёки мулкӣ хизматлар кўрсатилган пайтдан бошлаб содир этилган, деб ҳисобланади.

### 3. КОРРУПЦИЯ ШУНЧАЛИК ХАВФЛИМИ?

Баъзилар коррупцияга одатий ҳолат сифатида қарайди, баъзилар фойдали деб ўйлайди:

- “Ахир нимаси ёмон? Ишим тез битди, вақтим ҳам тежалди”.
- “Ўғлимни ўқишга киргазим, бекорчи бўлмайди энди.
- Ким зарар кўрди бундан?”

### 4. КОРРУПЦИЯНИНГ НИМАСИ ЁМОН?

Мисолларда кўриб чиқамиз. Оддий нарсадан – “чўнтагимиздан” бошлаймиз. Ҳаммамиз давлатга солиқ тўлаймиз, давлатга даромадимизнинг бир қисмини берганимизда, давлат бизга ижтимоий хизматларни: таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизликни таъминлаб беришини биламиз.

Давлат маблағлари коррупцион схема бўйича тақсимланганда-чи нима бўлади?

*Масалан, мактабларга китоб етказиб (чоп этиб) бериши бўйича наириёт билан шартнома тузилади. Шартномани айнан ўша наириёт билан тузиши учун ишлаб чиқарувчи (наириёт) ташиқлот раҳбарига пора беради. Аммо, биламизки, ҳар қандай ишлаб чиқарувчи зарарига ишламайди ва пора эвазига берган пулини чиқариши учун паст сифатли маҳсулотдан фойдаланади ёки маҳсулот таннарҳини оширади. Натижада фарзандларимиз, қолаверса, жамият зарар кўради.*

Ўз ишингизни коррупция йўли билан ҳал қилмоқчи ва коррупцияга рози бўлганингизда, нафақат ўз манфаат-

ларингизга, балки бошқаларникига ҳам зарар келтиришингизни унутманг.

Биз тизимдаги оврагарчилик, бюрократизмдан шикоят қиламиз, лекин бюрократик тўсиқларсиз “ишни тезроқ ҳал қилиш”ни ваъда қилган мансабдор шахс “қўшимча даромад” олиши мумкин бўлса, нега тизимдан шикоят қилишимиз керак.

Натижада битта хизмат учун икки марта тўлаймиз: солиқ шаклида ва маълум бир мансабдор шахсга.

Шуни унутманг, коррупция нафақат жамиятга зарар етказди, балки натижага ҳам кафолат бермайди!

Коррупциянинг энг зарарли оқибати жамиятда чинакам адолатсизликни юзага келтиради.

**Хар қандай шахс коррупциянинг зарарли оқибатлари қурбони бўлиши мумкин!!!**

## **5. КОРРУПЦИЯ ВА ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК!**

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва унинг олдини олишда ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ва жазо масаласи қадимдан энг асосий восита сифатида эътироф этилган (*Масалан, Амир Темури ўз давлатида порахўрлик ёки таъмагирлик ҳақидаги хабарни олганидан сўнг, бу хабар хуфиёна айгоқчилар томонидан тасдиқлангани лозим бўлган, шундан кейингина давлат амалдорларига нисбатан жазо сифатида, пора тариқасида талаб қилган мол-мулкидан икки баравар кўпроқ мулк миқдоридан жарима ундирилган.*

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига порахўрлик жиноятларидан ташқари коррупция турли кўринишдаги бошқа жиноятларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Куйида ушбу турдаги жиноятларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.

**Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш.**

Бу ҳолатда мансабдор шахс ўз мансаб ваколатларидан давлат ва жамият манфаалари учун эмас, балки ўз манфаати учун фойдаланади ва зарар етказди. Ушбу қилмиш амалдаги Жиноят кодекси билан жиноят сифатида эътироф этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси:**

**205-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш**

Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса.

**Мисол.**

А. банк бошқарувчиси бўла туриб, ўз мансаб лавозимини суиистеъмол қилган ҳолда М.га ғалла ҳосилига ажратилган имтиёзли кредит маблағи ҳисобидан акасининг Т. номли фермер хўжалигининг қарздорлигини ёпиш учун пулни ҳисоб рақамига ўтказди.

**Ҳокимият ёки мансаб ваколатлари доирасидан четга чиқиш.**

Мансаб ваколоти доирасидан четга чиқишнинг асосий кўринишлари деганда:

мансабдор шахс томонидан бошқа шахснинг ваколоти доирасига кирувчи ҳаракатларнинг содир этилиши;

мансабдор шахс томонидан фақат қонунда ёки қонун ости ҳужжатида кўрсатилган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг бажарилиши;

коллегиал орган ваколатига кирувчи ҳаракатни мансабдор шахс томонидан яқка тартибда содир этилиши;



ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда амалга оширишга ҳақиқ бўлмаган ҳаракатларнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши ва бошқалар ҳисобланмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси:

206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса.

**Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексининг қуйидаги жиноят турларида ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилган:**

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тароҳ қилиш (167-модда);

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш (192<sup>9</sup>-модда);

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (192<sup>10</sup>-модда);

Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш (192<sup>11</sup>-модда);

Мансаб сохтакорлиги (209-модда);

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (213-модда);

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг

қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши (214-модда);

Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш (228-модда) ва бошқалар.

## 6. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕЛГИЛАНГАН?

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун қуйидаги жазо турларидан бири ёки бир нечтаси содир этилган қилмишнинг энгил ёки оғирлигига қараб тайинланиши мумкин:

жарима;

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

мажбурий жамоат ишлари;

ахлоқ тузатиш ишлари;

озодликни чеклаш;

озодликдан маҳрум қилиш;

ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш.

## 7. ФУҚАРОЛАР УЧУН ЭСЛАТМА!



Сиздан пора беришни талаб қилишмоқда, қандай йўл тутасиз?

Ҳар бир инсон ўзининг фуқаролик позицияси, ахлоқ тамойиллари, ҳаёт тажрибаси ва, албатта, виждонига кўра қарор қабул қилади. Сиздан пора талаб қилишганида икки йўлингиз бор.

**Биринчи йўл:** Сиздан пул талаб қилганлик ҳолатига бефарқ бўлиб, ҳеч нарса қилмайсиз. Бундай ҳолатда масалангиз ҳал бўлмаслиги эҳтимоли юқори, товламачи эса ўз ишида бошқалардан ҳам пул талаб қилишни давом эттираверади.



**Иккинчи йўл:** коррупция ҳолати бўйича ваколатли органларга мурожаат қилиш.

**Ҳар бир инсон мустақил қарор қабул қилади!!!**

Бир қарорга келишдан олдин, ўйлаб кўринг, яхши ўқимаган ва пул бериб ўқишга кирган бола бюджетда ўқиса-ю, Сизнинг аъло баҳоларга ўқиган фарзандингиз контракт асосида ўқиб юрса. Кейинчалик, Сиз пул билан ўқишга кирган шифокорда даволанишни хоҳлармидингиз?

## **8. АГАР СИЗ КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА МУРОЖААТ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, КЕЙИНГИ ҲАРАКАТЛАРИНГИЗ**

Коррупция ҳолати юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишни лозим деб топдингиз, Сизнинг ҳаракатларингиз қуйидагича бўлиши лозим.

**1-ҚАДАМ.** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилиш керак.

Жиноят ҳақида хабар беришда қуйидагиларни кўрсатиб ўтишингиз керак:

1) қачон, қаерда ва ким орқали мансабдор шахс пора сифатида пул талаб қилган;

2) мансабдор шахсинг пора сифатида пул талаб қилинганлик факти қайси ҳаракатларида ифода этилган;

3) ариза берувчи шахс олдиндан мансабдор шахс билан таниш бўлганми ва қандай ҳолатда, жиноятчи шахс ҳақида маълумотни кўрсатиш керак;

4) пора сифатида нима, қачон ва қайси ишни ҳал қилганлик учун берилиши;

5) навбатдаги учрашув қачон, қаерда ва нима мақсадда белгиланганлиги;

6) пора қачон, қаерда берилиши.

Ёзма шаклда мурожаат қилинганда, коррупция ҳолати бўйича ариза билан мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда манзили кўрсатилади ва имзо қўйилади.

Оғзаки шаклда мурожаат қилинганда, коррупция ҳолати бўйича баённома тузилади, унга аризачи ва баённома тузувчи имзо қўйишади, хужжатда аризачи ҳақида маълумот, шахсни тасдиқловчи хужжатлар кўрсатиб ўтилади.

**2 ҚАДАМ.** Аризангиз ҳақиқатдан ҳам қабул қилинганлигига ишонч ҳосил қилинг.

Ариза қабул қилингандан сўнг, аризачига мурожаат қабул қилинганлиги ҳақида хужжат берилади. Бу аризанинг нусхаси ҳам бўлиши мумкин. Ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хужжатда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) аризани қабул қилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ҳақида маълумот;
- 2) ходимнинг имзоси;
- 3) аризанинг рўйхатдан ўтказилганлик рақами;
- 4) қабул қилиш санаси;
- 5) қабул қилган орган номи, манзили ва телефон рақами.

**3 ҚАДАМ.** Аризангиз кўриб чиқилишини назорат қилиш.

Сиз берган аризангизнинг натижаси ва кўрилган чоралар ҳақида маълумот олишга ҳақлисиз. Шунингдек, аризани қабул қилган орган раҳбарининг қабулига ҳам киришингиз мумкин.

**4 ҚАДАМ.** Шикоят қилиш.

Агарда, коррупция ҳолати юзасидан берган аризангизни қабул қилинмаса, Сиз юқори турувчи органга шикоят билан мурожаат қилишингиз мумкин. Масалан: туман прокуратураси коррупция ҳолати бўйича аризангизни қабул қилмади, вилоят ёки Бош прокуратурага мурожаат қилишингиз мумкин.

Диққат!!! Аноним мурожаат асосида коррупция ҳолати бўйича жиноят иши кўзғатилмайди, аммо текшириб чиқилади.

Ҳозирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айримларига расмий сайти орқали ҳам электрон (онлайн) шаклда мурожаат қилиш учун имкониятлар мавжуд.

### **ДИҚҚАТ!!!**

- Ёлғон хабар берганлик учун Жиноят кодексининг 237-моддасида;
- туҳмат қилганлик учун Жиноят кодексининг 139-моддасида (бир йил давомида такроран содир этса);
- туҳмат қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида жавобгарлик белгиланган ҳамда бу ҳаракатлар жавобгарликни келтириб чиқаради.

## **9. ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

Яшаш манзилингизга яқин жойлашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи қуйидаги ҳудудий бўлинмаларга оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда (баъзиларига) мурожаат қилишингиз мумкин.



### **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

Туман, шаҳар, вилоят прокуратурасига ташриф буюриб;  
1007 қисқа рақамли Ишонч телефониغا қўнғироқ қилиш  
(71) 232-10-07 ёки ижтимоий тармоқлар орқали  
**prokuratura.uz**

почта хизмати орқали юбориш (манзил: Тошкент ш.,  
Я. Ғуломов кўчаси, 66-уй).



### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**

Ҳудудий бошқарма ва бўлимларига ташриф буюриб,  
шахсан тақдим этиш;

1102 қисқа рақамли Ишонч телефониغا қўнғироқ қилиш;

тўғридан-тўғри электрон шаклда мурожаат қолдириш,  
почта хизмати орқали юбориш (манзил: Тошкент ш.,  
Ю. Ражабий кўчаси, 1-уй, индекс 100029).



### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Худудий бошқарма ва бўлимларига ташриф буюриб,  
шахсан тақдим этиш;

1008 қисқа рақамли Ишонч телефониға кўнғироқ қилиш;  
тўғридан-тўғри электрон шаклда мурожаат қолдириш;  
почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент ш.,  
Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, индекс 100047).



### Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноят- ларга қарши курашиш департаменти.

Ташриф буюриб, шахсан тақдим этиш;  
71-233-1007 рақамли Ишонч телефониға кўнғироқ қилиш;  
тўғридан-тўғри электрон шаклда мурожаат қолдириш;  
почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент ш.,  
Я. Ғуломов кўчаси, 39 А-уй);

## 10. ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНГА МУРОЖААТ МАТНИ НАМУНАСИ

Тошкент вилояти Янгийўл тумани  
Чилонзор кўчаси 1-уйда яшовчи  
Фуқаро А. Алметовадан

### АРИЗА

Мен, Алметова Алима Алиёровна Сизга шуни маълум қиламанки, Янгийўл туманида жойлашган «Тиббиёт касб-хунар коллежи»га 2017 йилда ўқишга қабул қилинганман. Ҳозирда коллежни битириш арафасидаман, лекин оилавий сабаблар билан дарсларга кела олмадим, коллеждаги А.А. исм-фамилияли ўқитувчи 3-курс учун баҳоларни ўқитувчиларга айтиб қўйдирганлиги ва коллеж раҳбариятининг ёрдами билан дипломни олиб беришга ёрдам берганлиги учун, баҳоларни қўйдириб бериш эвазига 500.000 сўм ва коллежни битирганлик дипломини олиб беришга ёрдам бериши эвазига 100 АҚШ доллари беришимни сўради.

Мендан 500.000 сўм ва 100 АҚШ доллари миқдорида пора сўраган А.нинг ноқонуний ҳаракатларига қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Сана, йил

ИМЗО

А.А. Алметова

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил.: “Халқ сўзи” [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-irziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштирилади” номли мавзуда ўтказилган йиғилиш // 11.02.2020 йил. [Электрон манба]. URL: <https://uza.uz/oz/politics/korrupsiyagagarshi-kurashish-amda-zhamoatchilik-nazorati-ti-11-02-2020>.

4. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2018. [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/docs/111453>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон Қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/pdfs/4875784>.

9. <https://prokuratura.uz> (Бош прокуратура).

10. <http://new-department.uz> (Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК).

11. [www.iiv.uz/](http://www.iiv.uz/) (Ички ишлар вазирлиги).

12. <https://www.minjust.uz/ru/> (Адлия вазирлиги).

13. <http://anticorruption.uz/uz> (Коррупцияга қарши курашиш агентлиги).

14. <http://www.lex.uz> (миллий қонунчилик базаси).

**ТУЛАГАНОВА ГУЛЧЕҲРА ЗАҲИТОВНА  
ТАДЖИБАЕВА АЛБИНА ЮЛДАШБАЕВНА  
МАМАНОВ САРДОР СОБИР ЎҒЛИ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

*Масъул муҳаррир: Ҳ. Салоева  
Муҳаррир: Ф. Муҳаммадиева  
Техник муҳаррир: У. Сапаев  
Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов*

Босишга рухсат этилди: 16.06.2021.  
Ҳажми: 1.4 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 12.

Тошкент давлат юридик университети  
Типография бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.